

## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ (КОНТРАКТ)

Янгибозор тумани

2022 йил «15» сентябр

Кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган «Янгибозор туман Мактабгача таълим ташкилоти» номидан Низом асосида иш курувчи мудир Г. Абдиримова бир томондан, кейинги уринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «Урганч Чолиш Консалтинг» х/к номидан Устав асосида иш курувчи Ж. Тураев иккинчи томондан

«Янгибозор туманида жойлашган 14-сон давлат мактабгача таълим ташкилоти» объекти буйича мазкур пудрат шартномасини туздилар.

### I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар кулланилади;

- **ижро хужжатлари** – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул булган шахслар томонидан уларга киритилган узгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тугрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект таъмирлашига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва урнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда кулланиладиган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошка хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тугрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда кабул килиниши тугрисидаги далолатномалар, монтаж килинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тугрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда таъмирлаш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошка хужжатлар;

- **таъмирлаш майдони** – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома буйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг таъмирлаш майдони чегараси ажратиб куйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошка белгилар билан белгилаб куйилади;

- **вактинчалик иншоотлар** – Пудратчи томонидан таъмирлаш майдонида урнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур булган хар қандай типдаги вактинчалик бинолар ва иншоотлар;

- **беркитиладиган ишлар** – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин булмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

- **шартнома нархини булиб чиқиш** – ишларнинг хар бир босқичи ва ёки турлари кийматини аниқ белгилаган холда шартнома буйича объектнинг умумий кийматини босқичларга таксимлаш.

### II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ Янгибозор туманида жойлашган 14-сон давлат мактабгача таълим ташкилоти кузда тутилган лойиха буйича жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни кабул килиш ва туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III. ШАРТНОМА БУЙИЧА ИШЛАР КИЙМАТИ.

3. Мазкур шартнома буйича Пудратчи томонидан бажариладиган, ишлар киймати барча солиқлар, йигимлар, ажратмалар ва пудратчининг бошка харажатларини уз ичига олган холда жорий нархларда **164 000 000 (бир юз олтмиш турт миллион) сумни** ташкил этади.

4. Ишлар киймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик қайта куриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги холлар бундан мустасно:

- таъмирлаш кийматини купайтиришга енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб булганда;

- ишлар киймати Буюртмачи томонидан узгартирилганда;

- объектнинг таъмирлаши бир йилдан ортик муддатга узгартирилганда.

5. Таъмирлаш муддати бир йилдан ортик булганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд булганда, санаб утилган узгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги шартномага қушимча битим билан расмийлаштирилади.



#### **IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.**

7. Мазкур шартнома буйича Пудратчи мазкур шартноманинг II булимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

-барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 2-иловага мувофик ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган хажмда ва муддатларда узининг кучлари ёки жалб килинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топшириш;

- таъмирлаш майдонига зарур таъмирлаш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, таъмирлаш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклашни таъминлайди;

- таъмирлаш майдони худудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

- Буюртмачини субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тугрисида хабардор қилиш;

- таъмирлаш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф мухитни, утқазилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш буйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шуниингдек ёритиш чироклари урнатиш;

- таъмирлаш таваккалчиликларини сугурта қилиш;

- мазкур шартнома буйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда таъмирлаш майдонини узига тегишли таъмирлаш машиналари ва асбоб – ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, таъмирлаш материаллари, буюмлар конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бушатиш;

- таъмирлаш майдони қурикланишини таъминлаш;

- таъмирлашда таваккалчилик сугуртаси учун белгиланган суммага сугурта ташкилотларидан бири билан таваккалчилик сугуртаси тугрисида шартнома тузади ва сугурта шартномаси билан сугурта полисини бюртмачига тақдим қилади.

-мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.

8. Пудратчи мавжудлигини қафолатлаган узининг 20% га тенг булган ва унга хизмат курсатувчи банк тамонидан берилиши қафолатланган 20% айланма маблағларини мазкур шартномада кузда тутилган объект харажатлари учун унумли ишлатиш мажбуриятини олади.

9. Пудратчи объектни фойдаланишга топшириш учун Буюртмачига барча ишлар бажарилганини исботловчи хужжатларни (исполнительная документация) тулик хажмда тақдим қилади.

10. Пудратчи мазкур шартнома буйича барча ишларнинг уз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тулик мулкый жавоб беради.

#### **V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

11. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- мазкур шартномага мувофик ишларни бажариш учун яркли булган таъмирлаш майдонини объект таъмирлаши ва таъмирлаш тугаллангунгача булган даврга далолатнома буйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-таъмирлаш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

- Пудратчининг барча мурожаатларини ун кун муддатда қуриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

- молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур булган ижро хужжатлари руйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятларини олади;

12. Буюртмачи мазкур шартномада кузда тутилган уз мажбуриятларини бажармаса ёки етарли тарзда бажармаса пудратчи олдида тулик мулкый жавоб беради.

#### **VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.**

13. Шартнома томонлар уни имзолаб Газначилик булинмаларида руйхатга олинган кундан бошлаб қонуний кучга қиради.

14. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинган ишларни бажариш жадвалига мувофик ишларни бажаради.

15. Объектни 30 кун ичида фойдаланишга топширилиши белгиланади.



## **VII. ТУЛОВЛАР ВА ХИСОБ – КИТОБЛАР**

16. Шартнома буйича узаро хисоб-китоблар миллий валюта - «сумда» килинади.
17. Буюртмачи мазкур шартнома буйича ишлар умумий жорий кийматининг 30% микдорида аванс утказади, бу **49 200 000 (қирк туккиз миллион икки юз минг)** сумни ташкил этади.
18. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун бюджетдан мақсадли берилган маблағлар уч банка кунида молиялаштириш ва ишларни бажариш жадвали асосида амалга оширилади.
19. Буюртмачи тамонидан жорий молиялаштириш бажарилган ишлар ҳажми ва сифати текширилиб қабул қилингандан кейин ҳақиқий бажарилган ишлар кийматидан берилган аванс суммасини пропорционал ушлаб қолган ҳолда молиялаштириш жадвали буйича амалга оширади.
20. Пудратчининг хисоб рақамига тушадиган маблағлар ушбу объект таъмирлаши харажатларига, шунингдек таъминотчиларга, объект таъмирлашига зарур булган материаллар, техника ресурслари, меҳнатга ҳақ тулаш, объект таъмирлашида иштирок этаётган ёрдамчи ташкилотларга тулаш учун ва Ушбу объект таъмирлашининг бошқа харажатларига катъий сарфланади.
21. Пудратчи жорий молиялаштириш учун хисобот ойнинг охири кунигача ва якуний молиялаштириш учун хисоб китоб учун таъмирлаш монтаж ишлари микдори, харажатлари тугрисидаги «Бажарилган ишлар киймати тугрисидаги маълумотнома хисоб-варак-фактурани» узи тузиб тақдим қилади. Буюртмачи бажарилган таъмирлаш-монтаж ишларининг микдори, сифати ва харажатларини текшириб қабул қилиб имзолайди.
22. Буюртмачига жорий молиялаштириш ва якуний хисоб-китоб учун, бажарилган таъмирлаш-монтаж ишларини микдори, сифати ва харажатлари текширувидан сунг Пудратчи томонидан тузиладиган ва Буюртмачи томонидан қабул қилиб имзо чекиладиган «Бажарилган ишлар киймати тугрисидаги маълумотнома-хисоб-варак-фактура» асос булади.
23. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома буйича объектга мулк ҳуқуқини узида сақлайди. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йук қилиниши ва шикастланиши ҳавфи Пудратчининг зиммасида булади.

## **VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.**

24. Буюртмачи таъмирлаш майдонида уз вақилини – техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.
25. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.
26. Пудратчи техник аудитори ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор пудратчи томонидан утказиладиган таъмирлаш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо булувчи масалаларни ҳал қилиш буйича йигилишларда мунтазам равишда катнашади.
27. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-булимида курсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган уз режаси ва иш жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.
28. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг таъмирлаш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар хисобланмайди.
29. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи уз қучлари билан ва таъмирлаш кийматини қупайтирмасдан ушбу ишларни уларни зарур сифатини таъминлаш учун қелишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир. Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни қелишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечииқиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тулайди.
30. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг узаро муносабатларида аҳамиятга эга булган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларни бошланиши ва тамом булиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар курсатилиши санаси, ишларни қабул қилиб олиниши, утказилган синовлар, материаллар уз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тухтаб қолишлар, таъмирлаш техникасининг ишдан чиқиши тугрисидаги маълумотлар, шунингдек таъмирлашни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин булган барча маълумотлар) акс эттирилади.



Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг кайдларидан коникмаса, холда ишларни бажариш дафтарида уз фикрини баён килади.  
Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда курсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-гадбирларини куриш мажбуриятини уз зиммасига олади.

### **IX. ЕНГИБ БУЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ.**

31. Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар кисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб булмайдиган куч холатлари натижасида келиб чикса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай кисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган куч холатлари амал килган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

32. Агар енгиб булмайдиган куч холатлари ёки уларнинг окибатлари бир ойдан куп вақтга чузилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация килиш учун кандай чоралар таъмирлашини мухокама киладилар.

33. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор килинишини талаб килишга хаклидир.

### **XI. КАФОЛАТЛАР.**

34. Пудратчи:

- барча ишларни тулик хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

- лойиха хужжатларига хамда таъмирлаш меъёрлари, коидалари ва техник шартларига мувофик барча ишларни бажариш сифатини;

- узи томонидан таъмирлаш учун кулланиладиган таъмирлаш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида курсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига хамда техник шартларга мувофиклигини;

- ишларни кабул килиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланган камчиликлар ва нуксонларни уз вақтида бартараф килишни;

- объектдан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофиклигини кафолатлайди.

Мавжуд нуксонлар ва уларнинг бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида кайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада курсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг умумий суммасини 5% микдорида жарима солиш хукукига эга.

### **XII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР КИЛИШ.**

35. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин жорий таъмирлаш бошланиши Буюртмачига боглик булмаган сабабларга кура Пудратчи томонидан бир ойдан куп вақтга кечиктирилганда;

- ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортик муддатга купайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига роя этилмаганда;

- Пудратчи томонидан шартнома шартлари таъмирлаш меъёрлари ва коидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

конун хужжатларига мувофик бошка асослар буйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

36. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боглик булмаган сабабларга кура Буюртмачи томонидан икки ойдан ортик муддатга тухтатиб куйилганда;

- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари умуман бажарилмаганда;

конун хужжатларига мувофик бошка асослар буйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

37. Шартнома бекор килинганда Буюртмачи ва Пудратчининг кушма карорига кура тугалланмаган таъмирлаш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар кийматини Пудратчига тулайди.



38. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур булим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

39. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тулайди.

40. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йул қуйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

### **ХIII . ТОМОНЛАРНИНГ МУЛҚИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.**

41. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, Ўзбекистон Республикаси «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида» ги қонунида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 6 май 2003 йилдаги ПФ-3240 сонли фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 395 сонли қарори билан, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади ва иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди.

42. Мазкур шартномада қузда тутилган ва тегишли иловаларда қурсатилган мажбуриятларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Буюртмачи Пудратчи олдида қуйидаги ҳолларда жавобгар бўлади ва:

- белгиланган муддатда объектни иш бошлаш учун пудратчига топширмаса далолатнома бўйича бунинг оқибатида ишларни бажариш жадвалида бажариш қузда тутилган ишларнинг бажарилмаган қисмининг 5% миқдорида жарима тулайди;

- буюртмачининг ҳисоб рақамига мақсадли молиялаштириш учун тушган пул маблағларини уч банка қунида сабабсиз пудратчининг ҳисоб рақамига утқазиб бермаса ушлаб турилган сумманинг 5% миқдорида жарима тулайди;

- шартномага муофиқ ишларни бажариш жадвали бўйича бажарилган ишлар ҳажмини асоссиз равишда қабул қилиб тасдиқлашдан бош тортгани учун ушбу қабул қилиш, тасдиқлашдан бош тортган сумманинг 5% миқдорида жарима тулайди;

- шартнома шартларига муофиқ тайёр ҳолда қабул қилиш учун тақдим қилинган объектни асоссиз равишда қабул қилишдан бош тортса шартнома қийматининг 5% миқдорида жарима тулайди;

43. Мазкур шартномада қузда тутилган ва тегишли иловаларда қурсатилган мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Пудратчи Буюртмачи олдида қуйидаги ҳолларда мулқий жавобгар бўлади ва:

-Ишларни бажариш жадвалида белгилангандан қам ҳажмда ишларни бажарса , мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмидан ҳар қечиктирилган қун учун 0.5% миқдорда пеня тулайди.

- Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган миқдорда бажариб тегишли тартибдаги маълумотлар билан ҳисобот ойининг охири қунига қадар тасдиқлатмаса «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган ишлар қийматининг 5% миқдорида жарима тулайди;

- Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган миқдордан қам бажарса, бажарилмаган қисмининг 5% миқдорида жарима тулайди;

- объектни шартномада белгиланган муддатда тайёр ҳолда фойдаланишга топширмаса шартнома қийматининг 5% миқдорида жарима тулайди;

- Буюртмачи, назоратчи, фойдаланувчи ташкилотлар ва ишчи қомиссияси тамонидан аниқланган қамчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишларни белгиланган (ун қундан ортиқ бўлмаган) муддатда бартараф қилмаса ушбу аниқланган қамчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 5% миқдорида жарима тулайди.

44. Агарда томонлардан бири уз қувзитларини шу жумладан юридик ва почта манзилларини, телефон рақамларини, қорхона атамаси ёки мақомини нотугри берса ва узгарганлиги тугрисидаги маълумотни уч қалендар қунда иккинчи тамонга ёзма ҳабар бермаса айбдор тамон иккинчи томонга шартнома баҳосининг 0,1% миқдорида жарима тулайди.

45. Бир тамоннинг айби билан шартномани бекор қилишга тугри қелса, айбдор тамон иккинчи тамонга барча зарарларни қоплайди, амалдаги қонунларда белгиланган тартибда.

46. Тамонларнинг мулқий жавобгарликка тортилиб тулайдиган неустойка, штраф ва пенялари шартнома қийматининг 50% ошмаслиги қерак.

47. Тамонлар неустойка, жарима, пеня қаби мулқий талабларини далолатнома асосида тулов талабномаси бўйича ақцептсиз амалга оширишга ҳақлидир.



#### XIV. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

48. Шартномани бажаришда ва бекор килишда ёки узгартиришда шунингдек етказилган зарарларни коплашда пайдо буладиган барча низоли масалаларни томонлар муҳокама билан келишувга эришмасалар, у холда улар конун хужжатларида белгиланган тартибда судга муружат килишлари мумкин.

#### XV. АЛОХИДА ШАРТЛАР

49. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли булган томонлар уртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро келишувлари уз кучини йукотади.

50. Пудратчи таъмирлаш объектига ёки унинг алохида қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга булмайди.

51. Мазкур шартномага киритилган барча узгартириш ва қушимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган булса, ҳақиқий ҳисобланади.

52. Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қушимчалар ёки узгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

53. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин таъмирлаш майдонида узига тегишли мол-мулкни қолдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи таъмирлаш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тулашни кечиктиришга ҳақлидир.

54. Мазкур шартноманинг жорий нархлардаги келишилган суммаси меъёрий-конун хужжатларига К.К.С. тугрисида узгартиришлар киритилса қайта қуриб чиқилади.

55. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги конун хужжатлари қулланилади.

56. Мазкур шартнома Газначилик бўлинмаларида руйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва **2022 йил 31 декабргача** амал қилади.

57. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга булган 2 нусхада тузилди.

#### XVI. Коррупцияга қарши шартлашув

58. Ушбу шартноманиш ҳар бир томони узига нисбатан қулланиладиган барча, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси амалдаги конунчилик ва норматив хужжатлардаги Коррупцияга қарши тегишли шартлар ва талабларни тушуниши ҳақида бир-бирини ишонтиради ва уларга амал қилишини қарантиллади. Истеъмолич ишбу шартнома амалда булган бутун давр мобайнида у (шунингдек унинг мансабдор шахслари, директори, ходимлари, агентлари ва бошқа вакиллари) Таъминотчи қорхонанинг манфаатларида унинг агенти ёки вакили сифатида ҳаракат қилиб, Таъминотчи қорхонанинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси амалдаги конунчилик ва норматив хужжатларининг Коррупцияга қарши тегишли шартлари ва талабларига қатъий риоя этиш мажбуриятини олади.

#### XVII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.

##### БУЮРТМАЧИ:

##### ПУДРАТЧИ:

**Янгибозор туман мактабгача таълим ташкилоти**

**“Урганч Чолиш Консалтинг”**

Манзили: Янгибозор ш-а Фидокор 28 уй	Манзили: Урганч Ал-Хоразмий 16 уй
Тел/факс: 41-92-632 +998974597212	Тел/факс: 35-21-616
шх/р: 100022860332367091100251019	х/р: 20208000004492641001
Банк: Марказий банк Тошкент шаҳар ХККМ	Банк: Агробанк
МФО: 00014	МФО: 00569
ИНН: 305154113	ИНН: 206376599
ОКЭД:	ОКЭД:
Молия вазирлиги ягона ғазна ҳисоб варағи	
х/р: 23402000300100001010	
ИНН: 201122919	

М.Ў.



Ж.Тураев

Yangibozor tuman maktabgacha ta'lim bo'limi va "Urganch Cholish Konsalting" xususiy karxonasi o'rtasida tuzilgan Pudrat shartnomasi loyixasini huquqiy ekspertizadan o'tkazish yuzasidan

## X U L O S A

2022 yil 16 sentyabr

Yangibozor tumani

Men, Yangibozor tuman Yuridik xizmat ko'rsatish markazi boshlig'i 1-darajali yurist N.Nurjonov, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 29 iyundagi PQ-5168-son qarori bilan tasdiqlangan "Yuridik xizmat ko'rsatish markazlari to'g'risida"gi Nizomga asosan Yangibozor tuman maktabgacha ta'lim bo'limi va "Urganch Cholish Konsalting" xususiy karxonasi o'rtasida 2022 yil 15 sentyabr kuni tuzilgan № 28-sonli Pudrat shartnoma loyihasini o'rganib chiqib, uni huquqiy ekspertizadan o'tkazdim.

Yuqorida nomlari ko'rsatilgan yuridik shaxslar o'rtasida tuzilgan № 28-sonli Pudrat shartnomasi O'zbekiston Respublikasining "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy ba'zasi to'g'risida"gi 1998 yil 29 avgustdagi Qonunining 10, 20, 21 moddalari va O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik Kodeksining 353-385-moddalari normalari bilan tartibga solingan.

Shartnomaning umumiy summasi jami 164 000 000 (bir yuz oltmish to'rt million) so'mni tashkil qilib, shartnomani imzolagan Yangibozor tuman maktabgacha ta'lim bo'limi mudirasi G.Abdirimova va "Urganch Cholish Konsalting" xususiy karxonasi rahbari J.Turayevlarga yuridik shaxs Nizomiga hamda chiqarilgan buyruqlarga asosan birinchi imzo huquqi berilgan.

Mazkur xo'jalik shartnomasi shartnoma predmetini, yetkazib beriladigan tovarning (ishning, xizmatning) miqdori, sifati, assortimenti va bahosini, shartnomaning bajarilish muddatlarini, hisob-kitob qilish tartibini, taraflarning majburiyatlarini, shartnoma majburiyatlari bajarilmaganda yoki lozim darajada bajarilmaganda taraflarning javobgarligini, nizolarni hal etish tartibini hamda taraflarning rekvizitlarini, shartnoma tuzilgan sana va joyni, shuningdek bunday turdagi shartnomalar uchun qonunchilikda belgilangan yoki taraflardan birining arizasiga ko'ra o'zaro kelishuvga erishish lozim bo'lgan boshqa muhim shartlarni to'liq o'z ichiga olgan.

Yuqoridagilarga hamda O'zbekiston Respublikasining "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy ba'zasi to'g'risida"gi Qonunining 20-21-moddalariga va O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 29 iyundagi PQ-5168-son qarori bilan tasdiqlangan "Yuridik xizmat ko'rsatish markazlari to'g'risida"gi Nizomga asosan;

## X U L O S A Q I L I N D I:

Yangibozor tuman maktabgacha ta'lim bo'limi va "Urganch Cholish Konsalting" xususiy karxonasi o'rtasida 2022 yil 15 sentyabr kuni tuzilgan № 28-sonli Pudrat shartnoma loyihasi amaldagi qonun hujjatlari asosida ishlab chiqilganligi va qonunchilik texnikasi talablariga muvofiqligi qayd etilsin.

Yangibozor tuman yuridik xizmat  
ko'rsatish markazi boshlig'i  
1-darajali yurist



Nurjonov